

Нима хоҳлайсиз?



08:00 / 02.11.2019 1986

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳу айтадилар: «Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳу бетоб бўлиб қолди. Уни кўргани бориб, суҳбат қилдик:

- Абу Абдурраҳмон, қандай тонг оттирдингиз?
- Аллоҳнинг неъматини билан биродар бўлган ҳолдаман.
- Аҳволингиз қалай?
- Қалбим иймон билан хотиржам.
- Нимадан қийналяпсиз?
- Гуноҳларим ва хатоларимдан.
- Нима истайсиз?
- Аллоҳнинг мағфирати ва розилигини.
- Сизга табиб чақирайликми?
- Табибнинг Ўзи мени бетоб қилди-ку...

«Солиҳлар гулшани» китобидан